

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУВАЛИЕВ БОҲАДИР АБДУЛҲАЕВИЧ**

**АҚЛЛИ ШАҲАРЛАР: ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оилавий ҳуқук.  
Халқаро ҳусусий ҳуқук

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Abduvaliyev Boxadir Abdulhayevich**

Aqlli shaharlar: fuqarolik-huquqiy munosabatlarni tartibga solish masalalari.....3

**Абдувалиев Бохадир Абдулхаевич**

Умные города: вопросы регулирования гражданско-правовых отношений...28

**Abduvaliyev Bokhadir Abdulkhayevich**

Smart cities: issues of regulating civil-legal relations.....54

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....59

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУВАЛИЕВ БОХАДИР АБДУЛҲАЕВИЧ**

**АҚЛЛИ ШАҲАРЛАР: ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оилавий ҳуқук.  
Халқаро хусусий ҳуқук

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.PhD/Yu1286 - рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гулямов Сайд Саидхорович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юлдашев Жаҳонғир Иномович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Топилдиев Воҳиджон Раҳимжонович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**  
хузуридаги Юридик кадрларни қайта  
тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил 25 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96; e-mail:[info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (77-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9. Тел./факс: +99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 12 декабрь куни тарқатилди.  
(2025 йил 12 декабрь кунидаги 41-рақамли реестр баённомаси).

**М.А. Аминжонова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, юридик фанлар  
доктори, профессор

**Д.Б. Раджапов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш котиби, юридик фанлар  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**М.М. Мамасиддиқов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда XXI аср рақамли технологиялар ва сунъий интеллект асри сифатида эътироф этилмоқда. Бу даврда шаҳар муҳитини бошқариш, фуқароларнинг давлат органлари билан муносабатини рақамли асосда йўлга қўйиш, ҳуқуқий муносабатларни замонавий ахборот тизимларига мос равищда тартибга солиш долзарб вазифага айланди. Жаҳон тажрибасида “ақлли шаҳарлар” концепциясини жорий этиш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи, фуқаролар учун қулай ва шаффоф бошқарув тизими яратилмоқда. БМТнинг “Sustainable Development Goals – 2030” ва Европа Иттифоқининг “European Smart Cities Initiative” ҳамда “European e-Justice Strategy 2024–2028” дастурларида таъкидланганидек, электрон судлов ва электрон ҳукумат тизимлари фуқаролар учун одил судловга этиб боришини енгиллаштириб, ҳуқуқий муносабатларда рақамли имкониятларни кенгайтиради<sup>1</sup>. Бироқ Ўзбекистонда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан, “ақлли шаҳар” тизимларида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишининг илмий-назарий асослари етарлича ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш фуқаролар ҳукуқларини ҳимоя қилиш, давлат жавобгарлигини белгилаш ва рақамли ҳуқуқий муҳитни ривожлантириш нуқтаи назаридан жуда муҳимdir.

Жаҳонда “ақлли шаҳар”лар инфратузилмасини ривожлантиришда электрон бошқарув ва рақамли ҳуқуқий тизимларни яратиш бўйича халқаро стандартлар (Smart Governance and E-City Systems)га амал қилиш долзарб аҳамият касб этилмоқда. Айниқса, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган Information Security Management Systems (ISMS) ни такомиллаштириш ҳамда фуқаролар ва давлат органлари ўртасида рақамли муносабатларни ҳимоя қилиш механизмларини мустаҳкамлаш мухим вазифадир. Бугунги кунда қўпгина давлатлар “Smart City Security Framework”, “ISO/IEC 27001” ва “UN-Habitat Digital Governance Principles” асосида ахборотнинг маҳфийлиги ва ҳуқуқий кучини кафолатловчи тизимларни жорий қилмоқда. Шу билан бирга, сунъий интеллект ва автоматлаштирилган қарор дастурларидан фойдаланиш орқали “ақлли шаҳар”ларда қулай ва шаффоф электрон хизматлар тизими яратилмоқда<sup>2</sup>.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимизда “ақлли шаҳар”лар экотизимини ривожлантириш, фуқаролар учун қулай, шаффоф ва ҳуқуқий жиҳатдан барқарор рақамли муҳитни яратиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан шаҳар бошқарувини рақамлаштириш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни автоматлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва ахборот алмашинуви тизимларини такомиллаштириш вазифалари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар

<sup>1</sup> [https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/PDF/?uri=OJ%3AC\\_202500437](https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/PDF/?uri=OJ%3AC_202500437)

<sup>2</sup> [https://unhabitat.org/sites/default/files/2025/03/international\\_guidelines\\_on\\_people\\_centred\\_smart\\_cities\\_clean\\_4.3.2025.pdf](https://unhabitat.org/sites/default/files/2025/03/international_guidelines_on_people_centred_smart_cities_clean_4.3.2025.pdf)

ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-358-сонли Қарорида ҳам сунъий интеллектни фуқаролик-хуқуқий муносабатларда татбиқ этишнинг хуқуқий асосларини шакллантириш, соҳавий стандартларни такомиллаштириш ва рақамли бошқарув тизимларини хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш устувор вазифалар сифатида белгиланган<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сон қарори билан тасдиқланган “2020–2023 йилларда шаҳар бошқаруви ва давлат хизматлари тизимини рақамлаштириш дастури” доирасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига 14 турдаги интерактив хизматлар жорий этилди. Шу билан бирга, шаҳар инфратузилмасини бошқариш тизимларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг тадбиқ этилди. 396 дан ортиқ идора ва марказлар рақамли ускуналар билан жиҳозланиб, маълумотлар алмашинувида инсон омили 70 фоизгача қисқарди, рақамлаштириш даражаси эса 80 фоизга етди. Бироқ шундай натижаларга қарамасдан, “ақлли шаҳар” тизимларида фуқароларнинг рақамли бошқарувга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, электрон муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва уларнинг хуқуқий кафолатларини белгилаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, сунъий интеллектни жорий этиш, давлат органлари ва бизнес субъектлари ўртасидаги рақамли ҳамкорликни такомиллаштириш, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни “ақлли шаҳарлар” концепцияси доирасида илмий асосда амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги Қонун (2018), “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонун (2015), “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар (2020) ҳамда “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси” (ПҚ-358, 2024 й.)да белгиланган вазифалар ижросига хуқуқий, илмий ва амалий жиҳатдан хизмат қилади. Мазкур тадқиқот “ақлли шаҳар” экотизимида фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солиш, рақамли хуқуқий маданиятни юксалтириш ва инновацион бошқарув моделини шакллантиришга қаратилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертация мавзуси шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот обьекти сифатида маҳсус монографик жиҳатдан тадқиқ қилинмаган. С.Гулямов,

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрда “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сон қарори // <https://www.lex.uz/docs/7158604>

И.Рустамбеков, С.Базаров, А.Якубов, О.Окюлов, Х.Рахманкулов, У.Рахматов, О.Нарзиевнинг илмий тадқиқот ишларида турли даражада “ақлли шаҳар” инфратузилмасини ривожлантириш, рақамли технологияларни фуқаролик-хуқуқий муносабатларга жорий этиш, шунингдек, рақамли иқтисодиёт ва шаҳар бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг хуқуқий асосларига оид масалалар ёритилган.

Шу ўринда С.Гулямов, И.Рустамбеков, С.Базаров, А.Якубов, О.Окюлов, Х.Рахманкулов, У.Рахматов ва О.Нарзиев каби олимлар ўз илмий тадқиқотларида “ақлли шаҳарлар” экотизимини ривожлантириш, рақамли технологияларни хуқуқий муносабатларга жорий этиш ва рақамли иқтисодиёт шароитида фуқаролик-хуқуқий институтларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Улар томонидан киберхуқуқ, ахборот хавфсизлиги, сунъий интеллект, блокчейн, рақамли мулк, интеллектуал хуқуқ, киберқонунчилик ва рақамли инфратузилма соҳаларида олиб борилган тадқиқотлар “ақлли шаҳарлар” фаолиятида фуқаролар, бизнес субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги электрон муносабатларнинг хуқуқий асосларини шакллантиришга муҳим назарий ва амалий ҳисса қўшган.

Бу олимларнинг ишлари замонавий рақамли муҳитда фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда “ақлли шаҳар” тизимларида хуқуқий кафолатлар ва жавобгарлик механизмларини яратиш учун илмий асос бўлиб хизмат қиласди.

Таъкидлаш жоизки, “ақлли шаҳарлар” фаолиятини хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича хорижлик олимлардан R.Kitchin, E.Townsend, M. Batty, L.Edwards, Sh.Zuboff каби тадқиқотчилар муҳим илмий ишлар амалга оширганлар. Улар ўз изланишларида рақамли шаҳар муҳитининг концептуал асосларини, ахборот капитализми ва маълумотлар бошқарувининг хуқуқий-ижтимоий механизмларини таҳлил этганлар. Шу билан бирга, P.Cardullo, M.Krivy, A.Datta, N.Komninos ва S.Barns каби олимлар “ақлли шаҳар” тизимларида фуқаролар хуқуқларини ҳимоя қилиш, рақамли муҳитда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда шаҳар бошқарувида сунъий интеллект ва блокчейн технологияларидан фойдаланишнинг хуқуқий асосларини тадқиқ этганлар.

Ю.А. Луконина эса “Рақамли фуқаролик процессуал шакли: назарий ва амалий жиҳатлари” мавзусида рақамли хуқуқий муносабатларнинг тизимли таҳлилини берган бўлиб, унинг илмий хуносалари “ақлли шаҳарлар”нинг фуқаролик-хуқуқий моделларини шакллантиришда методологик аҳамият касб этади.

Бироқ Ўзбекистонда “ақлли шаҳарлар” концепцияси доирасида фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда сунъий интеллектнинг хуқуқий мақомини белгилаш масалалари илмий жиҳатдан яхлит равишда тадқиқ этилмаган. Шу сабабли, мазкур диссертация “12.00.03 – Фуқаролик хуқуки.

Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Ҳалқаро ҳусусий ҳуқуқ" ихтисослиги доирасида "ақли шаҳарлар"нинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича Ўзбекистонда илк комплекс изланиш ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг тадқиқот режасига киритилган ва "Ақли шаҳарлар: фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш масалалари" мавзусидаги илмий йўналиш доирасида амалга оширилган (2022-2025 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида "ақли шаҳар"лардаги муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни тақомиллаштириш бўйича назарий-ҳуқуқий асослар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ақли шаҳарни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида ҳуқуқий табиатини ва унинг фуқаролик ҳуқуқлари объектлари тизимидағи ўрнини аниқлаш;

ақли шаҳар тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш;

ақли шаҳар экотизимидағи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектларини тизимлаштириш;

ақли шаҳар доирасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари ва ўзига хос ҳусусиятларини аниқлаш;

ақли шаҳар экотизимидағи фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг принциплари ва методларини ишлаб чиқиш;

ақли шаҳарлар соҳасидаги шартномавий муносабатларни ўрганиш;

ақли шаҳарлар шароитида маълумотлар ва рақамли активларнинг ҳуқуқий режимини белгилаш;

ақли шаҳар экотизимидағи фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларини таҳлил қилиш;

ақли шаҳарларнинг рақамли муҳитида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида ақли шаҳарларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

Ўзбекистондаги ақли шаҳарлар субъектлари ва шартномавий муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

ақли шаҳарлар шароитида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммоларни аниқлаш;

Ўзбекистонда ақли шаҳарларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни тақомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ақли шаҳарларни яратиш, фаолият кўрсатиш ва ривожлантириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлардир.

**Тадқиқотнинг предмети** ақли шаҳар экотизимидағи муносабатларни

тартибга солувчи фуқаролик ҳукуқи нормалари, жумладан обьектларнинг ҳукуқий режими, субъектлар таркибининг хусусиятлари, шартномавий конструкциялар, жавобгарлик механизмлари ва ҳукуқларни ҳимоя қилиш усуллари, шунингдек доктринал қоидалар, ҳукуқни қўллаш амалиёти ва халқаро тажриба ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндошув, қиёсий-ҳукуқий таҳлил, сўровнома ўтказиши, аниқлаштириш, статистик маълумотлар таҳлили ва суд амалиётини таҳлилий ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

мамлакатимизда “ақлли шаҳар”ларни лойиҳалаштириш ва ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгиланган меъёрларга мувофиқ телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун бинолар ёки алоҳида хоналар қурилиши, шунингдек, мазкур мақсадлар учун ер (жой) ажратилиши зарурлиги асослантирилган;

давлат харидлари тизимини рақамлаштириш, электрон баённомалар юритиши ва электрон рақамли имзолардан фойдаланиши кенгайтириш бўйича таклифлари асослантирилган;

шаҳарларда креатив иқтисодиётни ривожлантириш, рақамли ресурслар, рақамли дастурлар ва платформаларни яратиш ҳамда фуқароларнинг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш зарурлиги асослантирилган;

иш қидираётган шахсларга оид маълумотларни рақамлаштириш, тегишли ташкилотлар томонидан шахсларнинг иш стажи ва маълумотига оид маълумотларни “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олиш имкониятини яратиш бўйича таклифлари асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

“ақлли шаҳар”ларни лойиҳалаштириш ва ривожлантириш жараёнларида телекоммуникация инфратузилмасини жойлаштириш учун бинолар ёки алоҳида хоналар қуриш ҳамда ер ажратишнинг ҳукуқий ва ташкилий асослари аниқланган;

“ақлли шаҳар”ларни ҳукуқий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва ривожлантириш бўйича норматив-ҳукуқий таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат харидлари тизимини рақамлаштириш жараённида ҳукуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича амалий механизм таклиф этилган;

креатив иқтисодиётни ҳукуқий жиҳатдан рағбатлантириш бўйича амалий таклифлар асослантирилган;

мехнат муносабатларини рақамли тизимга ўтказишида ҳукуқий кафолатларни таъминлаш бўйича амалий йўл ҳаритаси ишлаб чиқилган;

“ақлли шаҳар” лойиҳаларида фуқаролар иштирокини ҳукуқий таъминлаш механизми ишлаб чиқилган;

электрон баённомаларни юритиши, электрон рақамли имзоларни кенг қўллаш ва маълумотлар алмашинувини автоматлаштириш асосида давлат харидлари шаффоғлигини ва самарадорлигини ошириш механизми ишлаб

чиқилган;

шахарлар даражасида рақамли платформалар, инновацион лабораториялар ва стартап марказларини ташкил этиш орқали фуқароларнинг инновацион ташаббусларини амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган;

иши қидираётган шахслар ҳақидаги маълумотларни “рақамли ҳукумат” идоралараро интеграция платформаси орқали тўлиқ электрон тарзда олиш тизими ишлаб чиқилган;

фуқаролар учун интерактив рақамли хизматлар моделини жорий этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унинг илмий асосланганлиги ва амалий тасдиқланганлиги билан белгиланади, тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳукуқни қўллаш амалиёти ҳамда ахборот манбаларида эълон қилинган статистик маълумотларнинг чуқур таҳлилига асосланган, унда чиқарилган хulosалар, таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари томонидан маъқулланиб, амалиётга жорий этилган. Шу билан бирга, тадқиқот доирасида жамиятнинг турли қатламларини қамраб олган 50 нафар соҳа мутахассиси билан эксперт сўрови ўтказилган бўлиб, уларнинг таркиби қўйидагича: академиклар – 6 нафар, фан докторлари ва профессорлар – 10 нафар, ректорлар – 6 нафар, фан номзодлари (доцентлар) – 5 нафар, маҳалла раислари – 15 нафар, ахборот технологиялари соҳасидаги раҳбарлар – 4 нафар, тиббиёт ходимлари – 2 нафар, ижтимоий соҳа ходимлари – 2 нафар. Бундан ташқари, фуқароларнинг рақамли ҳукуқий муносабатлар ва “ақлли шаҳар” тизимларига муносабатини ўрганиш мақсадида 1 250 нафар респондент иштироқида кенг қамровли ижтимоий сўровнома ўтказилган, ушбу натижалар тадқиқот хulosалари ва амалий тавсияларнинг ишончлилигини тасдиқлаб, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини мустаҳкамлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунда намоён бўладики, унда ишлаб чиқилган таклифлар ва илмий хulosалардан фуқаролик ҳукуқи, ахборот ҳукуқи ва шаҳар бошқаруви соҳасидаги илмий фаолиятда, ҳукуқ ижодкорлиги ва қонунни қўллаш амалиётида, “ақлли шаҳарлар” экотизимида фуқаролик-ҳукуқий муносабатларни тартибга солиши назариясини ривожлантиришда, шунингдек дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва қонунларга шарҳлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотда “ақлли шаҳар” муҳитида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, рақамли мулқ, маълумотлар ва рақамли активлар ҳукуқий режими, фуқаролик-ҳукуқий жавобгарлик механизмлари ҳамда фуқароларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шунда ифода топадики, унда шакллантирилган илмий қоида, хulosса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Шаҳар хўжалигини бошқаришни рақамлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ва “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги норматив-ҳукуқий

хужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритишида, фуқаролик ҳуқуқи, ахборот ҳуқуқи, шаҳар бошқаруви ва рақамли иқтисодиёт йўналишидаги илмий тадқиқотларда, “ақлли шаҳарлар”да фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, рақамли инфратузилма операторлари ва фуқаролар ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш бўйича норма ижодкорлигида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари фуқаролик, иқтисодий ва ахборот ҳуқуқи соҳаларида амалиётда, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Шаҳар бошқарувининг ҳуқуқий асослари”, “Ахборот ҳуқуқи”, “Сунъий интеллект ҳуқуқи” каби фанлардан маъruzалар ва амалий машғулотлар ўқитишида, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва илмий шарҳлар тайёрлашда кенг қўлланилиши мумкин. Амалга оширилган тадқиқот натижалари “ақлли шаҳар – ҳуқуқий шаҳар” концепциясини ривожлантириш, рақамли муҳитда фуқаролик ҳуқуқининг янги йўналишларини илмий жиҳатдан асослаш ва миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Ақлли шаҳарлар” фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий, амалий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Мамлакатимизда “Ақлли шаҳар”ларни лойиҳалаштириш ва ривожлантириш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгиланган меъёрларга мувофиқ телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун бинолар ёки алоҳида хоналар қурилиши ҳамда ушбу мақсадлар учун ер (жой) ажратилиши зарурлиги ҳақидаги илмий таклифлари Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 27 декабрдаги “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги ЎРҚ-1015-сон Конунининг 21-моддаси олтинчи қисмини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 20 июн, №3/dn-127-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги шаҳар инфратузилмасини барпо этишда рақамли муҳитни яратиш ва телекоммуникация тармоқларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланишига хизмат қилган;

давлат харидлари тизимини рақамлаштириш, электрон баённомалар юритиши ҳамда электрон рақамли имзолардан фойдаланишни кенгайтиришга оид илмий таклифлари Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 27 декабрдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиши ҳақида”ги ЎРҚ-1005-сон Конунининг 1-моддаси 28-банди тўққизинчи-ўнинчи хатбошилари (“Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунининг 69-моддаси ўн еттинчи қисмига киритилган ўзгартиш)ни ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 20 июн, №3/dn-127-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши “ақлли шаҳар”ларда иқтисодий жараёнларнинг очиқлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилган;

шахарларда креатив иқтисодиётни ривожлантириш, рақамли ресурслар, дастурлар ва платформаларни такомиллаштириш ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг инновацион ташаббусларини қўллаб-куватлашга оид илмий таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 3 октябрдаги “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ти ЎРҚ-970-сон Қонунининг 22-моддасини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 20 июн, №3/dn-127-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши “ақлли шаҳарлар”да рақамли инновациялар экотизимини яратиш ва креатив соҳани ҳуқуқий қўллаб-куватлашга хизмат қилган;

иш қидираётган шахсларга оид маълумотларни рақамлаштириш, шахсларнинг иш стажи ва таълимга оид маълумотларини “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олиш имкониятини яратиш ҳақидаги илмий таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 27 сентябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ти Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ти ЎРҚ-967-сон Қонунининг 1-моддаси 17-банди тўртинчи хатбошиси (“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ти Қонуннинг 29-моддаси учинчи қисми)ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 20 июн, №3/dn-127-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши аҳолининг рақамли фаоллигини ошириш, фуқароларнинг меҳнат муносабатларида шаффоффликни таъминлаш ва “ақлли шаҳар”ларда инсон капитали ривожига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан, 6 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференция ва илмий семинарларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, ОАҚ томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 9 та илмий мақола, шундан 5 та миллий ва 4 та халқаро журналларда, конференцияларда 6 та, шундан 1 та миллий, 5 та хорижий мақола ва тезислар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация тузилиши кириш, еттига параграфни қамраб олган 3 та боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унга илмий ҳамда амалий жиҳатдан талаб юқори эканлиги асослаб берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқ белгиланган, илмий изланишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига

мослиги кўрсатилган. Илмий янгилик ва амалий натижалар очиб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда уларнинг амалиётга жорий этилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга, натижаларнинг илмий апробацияси ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб “Ақлли шаҳарлар муносабатларини фуқаролик-хуқуқий тартибга солишнинг назарий-хуқуқий асослари” деб номланиб, унда “ақлли шаҳар”нинг фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш обьекти сифатидаги концептуал асослари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шаҳар экотизимидағи хуқуқий муносабатлар субъектлари таркиби, уларнинг хуқуқий мақоми ва ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган. Шунингдек, “ақлли шаҳар”даги фуқаролик-хуқуқий муносабатлар турлари ва характерли хусусиятлари тизимли равища таснифланиб, уларни хуқуқий тартибга солишнинг тамойиллари ва усуллари илмий асосда белгилаб берилган.

Тадқиқот доирасида “ақлли шаҳар” мулкий, мажбурият, корпоратив ва ахборот хуқуқи чегарасида шаклланувчи фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг комплекс обьекти (*sui generis*) сифатида талқин қилинган муаллифлик концепцияси илгари сурилган. Ушбу концепция “ақлли шаҳар”ни фақат технологик тизим сифатида баҳолайдиган анъанавий ёндашувнинг чекловларини бартараф этиб, унинг хуқуқий табиатини технологиялар, ижтимоий амалиётлар ва хуқуқий механизмлар интеграцияси асосида қайта ёритишга хизмат қиласи.

Тадқиқотда “ақлли шаҳар” фақат техник қурилмалар ва рақамли тизимлар йиғиндиси эмас, балки инсон, хуқуқ ва технология ўртасидаги мувозанатни таъминловчи мураккаб хуқуқий экотизим эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. Ушбу ёндашув фуқаролик хуқуқи назариясида янги илмий йўналиш – “ақлли шаҳар хуқуқи” (Smart City Law) концепциясини шакллантириш учун назарий ва амалий асос яратади.

Диссертацияда шаҳар мұхитининг рақамлашуви натижасида анъанавий фуқаролик-хуқуқий институтлар трансформацияси юз бериши илмий асосда таҳлил қилинган. Муаллиф ушбу трансформацияни учта асосий йўналишда намоён бўлишини аниқлаган. Биринчидан, мулк хуқуқи институтининг сервислашув, рақамли чекловлар ва биргалиқда фойдаланиш (*sharing mechanisms*) орқали модификацияси қузатилган бўлиб, бу рақамли мұхитда мулқдан фойдаланиш ва унинг хуқуқий муҳофазасини таъминлашнинг янги моделларини шакллантиришга олиб келади. Иккинчидан, шартнома муносабатлари институти автоматлаштириш, кўп томонли келишувлар ва платформа иктисодиёти асосида янгича хуқуқий мазмун қасб этаётгани кўрсатилган. Учинчидан, корпоратив муносабатлар механизмида тақсимланган бошқарув, жамоат манбаатларини интеграция қилиш ва янги ташкилий – хуқуқий шаклларни яратиш тенденциялари аниқланган.

Тадқиқот доирасида “ақлли шаҳар” экотизимида фуқаролик-хуқуқий муносабатлар субъектлари тизими илмий жиҳатдан концептуаллаштирилган.

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган функционал мезон асосидаги тасніф “ақлли шаҳар резидентлари”, “рақамли инфратузилма операторлари”, “рақамли хизматлар провайдерлари” ва “паблик-хуқуқий тузилмалар”дан иборат түрттә асосий категорияни үз ичига олади. Ҳар бир субъект категорияси учун рақамли экотизим шароитида маҳсус ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва жавобгарлик механизмлари белгилаб берилган. Шу билан бирга, анъанавий фуқаролик айланиши учун хос бўлмаган янги субъектлар туркумининг ҳуқуқий мақоми хусусиятлари илмий асосда аниқланган.

Диссертацияда “ақлли шаҳар” экотизими шароитида фуқаролик ҳуқуқининг анъанавий тамойиллари – ихтиёрийлик, иштирокчиларнинг тенглиги ва вижданлилик тамойилларининг трансформацияси кузатилган. Бир вақтнинг үзида рақамли мухитда фуқаролик муносабатларини тартибга солиш учун мос келадиган янги тамойиллар – рақамли шаффоффлик, технологик нейтраллик, алгоритмик адолат, үзаро ҳамкорлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тамойиллари илмий асослаб берилган. Ушбу янги қоидалар рақамли муносабатларни фуқаролик-хуқуқий тартибга солишнинг замонавий парадигмасини шакллантиради.

Тадқиқот натижалари асосида “ақлли шаҳар” муносабатларини тартибга солишда кўп даражали ҳуқуқий модел таклиф этилган. Унда императив нормалардан тортиб үзини-ўзи тартибга солиш ва платформа орқали тартибга солиш усулларигача бўлган воситалар уйғунлаштирилган. Муаллиф ишлаб чиқсан тамойиллар ва усулларнинг комплекс тизими инновацияларни рағбатлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусий ва жамоат манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ҳамда ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлиги билан бир қаторда унинг тез ўзгарувчан технологик воқеликка мослашувчанлигини таъминлайди.

Натижада, диссертация “ақлли шаҳар” экотизими ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг илмий-назарий асосларини яратиш, фуқаролик ҳуқуқи назариясини рақамли мухитга мослаштириш ва инновацион ҳуқуқий моделлар тизимини шакллантиришга қаратилган илмий йўналишни амалга оширади.

Ўтказилган таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг үзига хос хусусиятлари ва рақамли трансформациянинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, “ақлли шаҳарлар” тўғрисидаги миллый қонунчиликни шакллантириш учун илмий-концептуал асос ишлаб чиқилган. Ушбу асосда маҳалла институтининг үзига хос ўрни ва жамиятнинг анъанавий назорат шаклларини инобатга олган ҳолда, давлат томонидан тартибга солиш, үзини-ўзи тартибга солиш механизмлари ва фуқаролик жамияти иштирокини уйғунлаштирувчи “ақлли шаҳарларни кўп даражали тартибга солиш модели” таклиф этилган. Бу модел миллий анъаналар билан замонавий рақамли бошқарув технологияларини интеграция қилишга қаратилган бўлиб, жамиятнинг барча иштирокчилари – давлат, бизнес ва фуқаролар манфаатларининг мувозанатини таъминлайди.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ақлли шаҳар экотизими фуқаролик-хуқуқий муносабатларини амалга оширишнинг амалий жиҳатлари” деб номланиб, унда шартнома конструкциялари, маълумотлар ва рақамли активларнинг хуқуқий режими, фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик механизмлари ҳамда “ақлли шаҳар” рақамли муҳитида субъектлар хуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари илмий таҳлил этилган.

Тадқиқот доирасида “ақлли шаҳар” муносабатларини шартномавий тартибга солишининг муаллифлик концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, у рақамли технологияларни анъанавий шартнома моделларига интеграция қилишга асосланади. Муаллиф илк бор smart-контрактлардан то лицензия шартномаларигача бўлган ўн беш турдаги келишувларни ўз ичига олган тизимли таснифни ишлаб чиққан. Бу тасниф ҳар бир шартнома турининг предмети, субъекти, хуқуқий белгиси ва амалга ошириш тартибини аниқлаш орқали “ақлли шаҳар” рақамли экотизимидағи шартномавий муносабатлар ҳақида тўлиқ хуқуқий тасаввур ҳосил қиласди.

Шу билан бирга, диссертацияда smart-контрактларнинг хуқуқий табиати илк бор фуқаролик-хуқуқий шартноманинг алоҳида шакли сифатида назарий жиҳатдан асослаб берилган. Унинг технологик ва хуқуқий элементлари уйғунлашган ҳолда – автоматлаштирилган ижро, алгоритмик детерминизм ва криптографик текширувчанлик каби белгиларни қамраб олади. Ушбу хусусиятлар smart-контрактларни фуқаролик шартнома хуқуқи тизимидағи ноёб ва инновацион институт сифатида ажратиб туради.

Тадқиқот натижаларига кўра, smart-контрактларнинг хуқуқий тартибга солинишида уларнинг технологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хуқуқий механизмларни такомиллаштириш, шу жумладан автоматик ижро жараёнларини верификация қилиш, ахборот хавфсизлиги кафолатларини белгилаш ва хуқуқий масъулият чегараларини аниқлаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

Натижада, тадқиқот “ақлли шаҳар” фуқаролик-хуқуқий муносабатларининг амалий жиҳатларини очиб бериб, рақамли муҳитда шартномавий муносабатларни тартибга солишининг инновацион хуқуқий моделини таклиф этади ва фуқаролик хуқуқи назариясининг янги босқичини белгилайди.

Диссертацияда рақамли технологияларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда “ақлли шаҳар” экотизимида фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг илғор тизими ишлаб чиқилган. Муаллиф томонидан илк бор автоном тизимлар ва сунъий интеллект фаолияти натижасида етказилган зарар ҳолатларига нисбатан “тақсимланган жавобгарлик” (distributed liability) модели таклиф этилган. Ушбу инновацион ёндашув сунъий интеллект ва рақамли автоном тизимлардан келиб чиқадиган хавфларни хуқуқий бошқаришни таъминлайди ҳамда жавобгарликни ишлаб чиқарувчи, фойдаланувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида адолатли тақсимлашга асосланади. Модельнинг асосий мақсади – жабрланган шахсларнинг хуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва инновацион

технологияларни ривожлантиришни рағбатлантириш ўртасида мувозанатни таъминлаш бўлиб, бу суғурта ва компенсация фондлари механизмлари орқали амалга оширилади.

Тадқиқотда “ақлли шаҳар” экотизимида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларига алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф томонидан ҳалқаро ҳуқуқий тажриба, хусусан GDPR (2016), Digital Services Act (2024), Digital Markets Act (2022), Directive 2008/52/EC (2008), ADR Directive 2013/11/EU (2013), ODR Regulation (EU) No 524/2013 (2013) ва P2B Regulation (2019) каби ҳалқаро ҳужжатлар чуқур таҳлил қилинган. Ушбу таҳлиллар асосида рақамли муҳитда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича эволюцион ёндашувлар ва Европа Иттифоқи қонунчилигидаги кўп даражали ҳуқуқий тартибга солиш тенденцияси аниқланган.

Аниқланган тенденцияга кўра, рақамли муҳитда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш императив нормалар (масалан, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасида) билан бир қаторда диспозитив механизмлар (тижорат муносабатлари, платформалардаги ўзаро ҳамкорлик, автоматлаштирилган хизматлар соҳасида) ни уйғунлаштириш асосида амалга оширилаётгани кўрсатилган.

Ўтказилган илмий таҳлиллар асосида муаллиф томонидан “ақлли шаҳар”да фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг комплекс тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у шахсий маълумотлар, рақамли мулк ва рақамли хизматлар соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни қамраб олади. Бу тизим фуқароларнинг рақамли муҳитдаги ҳуқуқий хавфсизлигини таъминлаш, ахборот оқимлари устидан назоратни кучайтириш ва рақамли адолат тамойилларига мувофиқ ҳимоя усулларини жорий этишга қаратилган.

Диссертациянинг учинчи боби – “Ўзбекистон Республикасида “ақлли шаҳар”ларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари” деб номланиб, унда мамлакатда “ақлли шаҳар”лар ривожланишининг ҳуқуқий асослари чуқур ва комплекс таҳлил қилинган. Бобда мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида “ақлли шаҳар” муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари, субъектлар таркиби, шартномавий муносабатлар спецификаси ҳамда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари аниқланган ва ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб берилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда “ақлли шаҳар”лар соҳасидаги ҳуқуқий база ҳозирда фаол шаклланиш босқичида бўлиб, ушбу жараён давлат сиёсатининг рақамли трансформацияга қаратилган устувор йўналишлари билан узвий боғланган.

Мазкур соҳадаги асосий меъёрий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 48-сонли “Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти қарори ҳисобланади. Ушбу қарор “ақлли шаҳар” инфратузилмасини яратиш учун муҳим технологик ва

ташкилий асосни белгилайди, аммо таҳлил натижаларига кўра, мазкур концепция шаклланаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун етарлича аниқ ва мукаммал механизмларни қамраб олмаган. Шу сабабли, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, ахборот хавфсизлиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш зарурлиги таъкидланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони “ақлли шаҳар”лар ривожланишини таъминлайдиган ҳуқуқий базани шакллантиришда муҳим сиёсий ва стратегик ҳужжат сифатида аҳамият касб этади. Унда рақамли иқтисодиёт ва рақамли давлатни барпо этиш, сунъий интеллект ва “инсон марказидаги технологиялар”ни жорий этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шунингдек, “ақлли шаҳар” концепциясини амалга оширишнинг амалий ва институционал механизмлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартағи ПҚ-4642-сон “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ўз ифодасини топган. Мазкур қарор пойтахтда рақамли технологияларни қўллашнинг устувор йўналишларини белгилаб, мамлакатда “ақлли шаҳар” моделини синов асосида жорий этиш учун ҳуқуқий ва ташкилий асос бўлиб хизмат қилган.

Боб доирасидаги таҳлиллар асосида муаллиф томонидан хулоса қилинганки, Ўзбекистонда “ақлли шаҳар”лар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш учун, бир томондан, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базани технологик инновациялар ривожи билан уйғунлаштириш, иккинчи томондан эса шахс, жамият ва давлат манфаатларини мутаносиб муҳофаза қилувчи мукаммал ҳуқуқий механизmlарни ишлаб чиқиши долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотда Ўзбекистондаги “ақлли шаҳар”лар экотизимидағи ҳуқуқий муносабатлар субъектлари таркибининг маҳалла институти каби анъанавий ижтимоий тузилмалар билан замонавий рақамли институтларнинг уйғунлашуви билан боғлиқ ноёб хусусияти аниқланган. Муаллиф томонидан таъкидланишича, анъанавий жамоат тузилмаларини замонавий технологик ечимларга интеграция қилиш нафақат рақамли инновацияларни самарали жорий этишни таъминлайди, балки уларнинг жамият томонидан ижтимоий қабул қилиниши ва ҳуқуқий барқарорлигини кучайтиради. Шу жиҳатдан, “ақлли шаҳар” концепцияси Ўзбекистон шароитида фақат технологик эмас, балки ижтимоий-маданий ва ҳуқуқий интеграция жараёни сифатида ҳам намоён бўлади.

Тадқиқотда “ақлли шаҳарлар”нинг инвестицион жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ҳам атрофлича таҳлил қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598-сон Қонуни бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у хорижий инвесторлар учун миллий режим

тамойилини белгилайди ҳамда юқори технологияли лойиҳалар учун маҳсус инвестиция режимларини жорий этиш имкониятини назарда тутади. Ушбу меъёрлар “ақлли шаҳар” инфратузилмасини ривожлантиришда хусусий капитал иштирокини кенгайтириш ва давлат–хусусий шериклик (ДХШ) форматларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги “Шахсий маълумотлар тўғрисида”ги ЎРҚ-547-сон Қонуни алоҳида ўрганилган. Ушбу қонун шахсий маълумотларни қайта ишлашнинг асосий тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва маълумот операторларининг мажбуриятларини белгилайди. Тадқиқотда қайд этилганидек, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тизимини миллий анъаналар ва ахлоқий қадриятлар билан уйғунлаштириш “ақлли шаҳар”лар шароитида маҳфийлик ва ишончни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий омили сифатида намоён бўлади.

“Ақлли шаҳар”лар ҳуқуқий базасининг яна бир муҳим элементи – Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сон Қонуни ҳисобланади. Унда муҳим ахборот инфратузилмасида қайта ишланадиган маълумотларни ҳимоя қилишга оид қўшимча талаблар, шу жумладан криптографик ҳимоя, хавфсизлик аудити ва кибертаҳдидларни мониторинг қилиш чоралари белгиланган. Бу эса “ақлли шаҳар”ларнинг ахборот тизимларида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун ҳуқуқий асос яратиб беради.

Шунингдек, тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат–хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон Қонуни таҳлил қилинган бўлиб, у “ақлли шаҳар” инфратузилмасини яратишида давлат ва бизнес ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни таъминлайди. Муаллиф бу қонунни “ақлли шаҳар” лойиҳаларининг молиялаштириш моделларини такомиллаштириш ва хусусий сектор иштирокини ҳуқуқий кафолатлаш учун асосий восита сифатида баҳолайди.

Диссертацияда келтирилган таклифлар “ақлли шаҳар”ларни ҳуқуқий тартибга солишга комплекс ёндашувни таъминловчи учта асосий йўналиш бўйича тизимли равишда ишлаб чиқилган. Биринчи йўналиш – базавий ҳуқуқий инфратузилмани яратишига қаратилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ракамли ҳуқуқлар, смарт-контрактлар, автоматлаштирилган тизимлар жавобгарлиги ва ракамли муҳитда фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш хусусиятларига оид ўзгартишларни киритишни назарда тутади. Иккинчи йўналиш – “Ўзбекистон Республикасида ақлли шаҳарлар тўғрисида”ги маҳсус қонун лойиҳасини ишлаб чиқишига бағишланган бўлиб, мазкур ҳужжат “ақлли шаҳар” экотизимининг барча ҳуқуқий, ташкилий ва технологик жиҳатларини қамраб олувчи комплекс норматив асосни шакллантиришга қаратилган. Учинчи йўналиш эса тармоқ қонунчилигини модернизация қилиш орқали ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимли уйғунлигини таъминлашни ўз ичига олади – хусусан, “Шахсий

маълумотлар тўғрисида”, “Киберхавфсизлик тўғрисида”, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”, “Электрон тижорат тўғрисида” ва “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунлар замонавий рақамли муносабатларга мослаштирилиши таклиф этилган.

Тадқиқот натижасида Ўзбекистонда “ақлли шаҳар”ларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш бўйича 2025–2030 йилларга мўлжалланган Миллий дастур ишлаб чиқилган. Дастурда аниқ муддатлар, масъул органлар, зарур молиявий ва ташкилий ресурслар ҳамда кутилган натижаларни ўз ичига олган 15 та асосий йўналиш бўйича амалий чоратадбирлар белгиланган. Мазкур дастур фақат ҳуқуқий механизmlарни яратишни эмас, балки рақамли бошқарув тизимини инсон ҳуқуқларига йўналтирилган шаклда трансформация қилишни ҳам назарда тутади.

Диссертацияда маҳалла институтининг анъанавий ижтимоий ролини “ақлли шаҳар” рақамли экотизимига интеграция қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Миллий анъаналар, жамоавий муносабатлар ва маданий хусусиятларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий механизmlарни шакллантириш, жамоат ҳаётида рақамли технологияларни органик жорий этиш ва фуқароларнинг рақамли ечимларга ишонч даражасини ошириш имконини бериши асосланган.

Ушбу диссертацион тадқиқот “ақлли шаҳар”ларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари бўйича анъанавий ҳуқуқий институтлар, замонавий рақамли технологиялар ва Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини уйғунлаштирган комплекс ва инновацион илмий изланиши ҳисобланади. Тадқиқотда шаҳар муҳитини рақамли трансформация қилиш жараёнида юзага келаётган янги жамоат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ долзарб муаммолар кўриб чиқилган, уларни ҳал этишнинг ҳам назарий концепциялари, ҳам амалий ҳуқуқий механизmlари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқотда ишлаб чиқилган методология фуқаролик ҳуқукини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшади, чунки у анъанавий ҳуқуқий институтлар ва замонавий рақамли технологиялар ўртасидаги узилишни бартараф этишга хизмат қиласди. Муаллиф томонидан таклиф этилган ёндашув “ақлли шаҳар”лардаги қўп даражали ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг мураккаб тизимини изчил тушунтириб, технологиялар ва жамоат муносабатларининг динамик ўзгаришларига мослаша оладиган барқарор рақамли шаҳар муҳитининг ҳуқуқий асосларини шакллантиради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, у классик фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини “ақлли шаҳар” рақамли экотизимини тартибга солиш учун зарур бўлган инновацион ҳуқуқий механизmlар билан уйғунлаштирувчи ягона назарий моделни яратади. Бундай синтез, айниқса, анъанавий субъектлар, объектлар ва ҳуқуқий муносабатлар мазмуни чукур трансформацияга учраётган “ақлли шаҳар” шароитида замонавий жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига мос келади.

Тадқиқотнинг асосий назарий ютуқлари қуйидагилардан иборат:

- “ақлли шаҳар”ни фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг комплекс обьекти (*sui generis*) сифатида изоҳловчи концепцияни ишлаб чиқиш;
- смарт-контрактлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шартномавий тартибга солиш назариясини такомиллаштириш;
- автоном тизимлар учун “тақсимланган жавобгарлик” моделини илмий жиҳатдан асослаш ва ишлаб чиқиш.

Шунингдек, тадқиқот доирасида махалла институтини “ақлли шаҳар” рақамли экотизимига интеграция қилиш масаласига илмий ёндашув таклиф этилган. Бу ёндашув миллий анъаналар ва замонавий технологияларнинг ўзаро таъсирини чуқур таҳлил қилиш ҳамда жамиятда рақамли хуқуқий маданиятни шакллантириш йўлида муҳим қадам ҳисобланади.

Натижада, ишда таклиф этилган кўп даражали хуқуқий тартибга солиш модели Ўзбекистон Республикасида “ақлли шаҳар”лар соҳасида самарали норматив-хуқуқий база яратиш учун мустаҳкам илмий ва амалий асосни таъминлайди, фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, инновацияларни рағбатлантириш ва рақамли бошқарувни барқарор ривожлантириш учун стратегик йўналишларни белгилаб беради.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида “Ақлли шаҳарлар: фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солиш масалалари” бўйича олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда шаҳар муҳитини рақамли трансформация қилиш жараёнида фуқаролик ҳуқуқининг анъанавий институтлари янги технологик воқелик билан чуқур интеграциялашмоқда. Бу жараён фуқароларнинг рақамли хуқуқларини таъминлаш, рақамли активлар айланишини хуқуқий тартибга солиш ва инновацион инфратузилмани қонуний асосда ривожлантиришни талаб этади.

Ақлли шаҳар фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг янги шакли сифатида анъанавий хуқуқий институтлар ва замонавий рақамли технологияларнинг ўзаро интеграцияси асосида шаклланадиган комплекс хуқуқий обьект сифатида тавсифланди. Унинг хуқуқий табиати мулк, мажбурият, корпоратив ва ахборот хуқуқининг чегараларини қамраб олган синтетик тизимни ифодалайди.

Ақлли шаҳар экотизимидағи фуқаролик-хуқуқий муносабатлар субъектлари ва обьектларининг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг хуқуқий мақоми, хуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ чегараларини белгилаш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланди. Бу орқали рақамли муҳитда фуқаролар, давлат органлари ва бизнес субъектлари ўртасидаги муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизми яратилади.

Фуқаролик хуқуқи назариясида “ақлли шаҳар” концепциясини хуқуқий категория сифатида жорий этиш, унинг фуқаролик айланмаси тизимидаги ўрнини белгилаш ҳамда рақамли муносабатларни тартибга солишда янги

тамойиллар – технологик нейтраллик, алгоритмик адолат ва рақамли шаффоффликни қўллаш тавсия этилди.

Ақлли шаҳар муносабатларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солища маълумотлар ва рақамли активларнинг икки томонлама ҳуқуқий табиати (ҳам ҳуқуқ объекти, ҳам ҳуқуқни амалга ошириш воситаси сифатида) илмий жиҳатдан асосланди. Бу хусусият шахсий маълумотлар, рақамли мулк ва интеллектуал ресурсларни муҳофаза қилишнинг янги ҳуқуқий режимини белгилаш заруратини кўрсатади.

Тадқиқотда ақлли шаҳар муҳитидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни смарт-шартномалар орқали тартибга солишининг назарий асослари ишлаб чиқилди. Смарт-шартномалар автоматлаштирилган ижро, алгоритмик детерминизм ва криптографик текширувчанлик хусусиятларига эга бўлиб, уларнинг ҳуқуқий табиати ва қонуний кучини таъминлаш учун маҳсус нормалар жорий этиш тавсия этилди.

Фуқаролик ҳуқуқи тизимида ақлли шаҳарлар фаолиятини тартибга солиш учун кўп даражали ҳуқуқий модел таклиф этилди. У давлат томонидан тартибга солиш, ўзини ўзи тартибга солиш ва жамоат назоратининг ўзаро ўйғунлигини таъминлайди ҳамда инновацияларни рағбатлантириш билан бир қаторда фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар:**

**1. ФКнинг 100<sup>1</sup>-моддасини қўйидаги тартибда баён қилиш таклиф этилади:**

**“Ақлли шаҳар” экотизимида фуқароларнинг шахсий ҳаётини муҳофаза қилиш**

